

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРОНОВА ДИЛРАБО КЕЛДИЁРОВА

**АНТРОПОЗОМОМОРФИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ЎЗБЕК ВА ИСПАН ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2017 йил

УДК: 8.11.111, 811.134.2

КБК: 81.2(5)-2

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Бахронова Дилрабо Келдиёровна

Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик
хусусиятлари (ўзбек ва испан тиллари материалида) 3

Бахронова Дилрабо Келдиёровна

Семантические и лингвокультурологические особенности
антропозооморфизмов (на материале узбекского и испанского
языков)..... 23

Bakhronova Dilrabo Keldiyorovna

Semantic and Linguocultural Features of Anthro-po-zoomorphisms
(on the material of the Uzbek and Spanish languages) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРОНОВА ДИЛРАБО КЕЛДИЁРОВА

**АНТРОПОЗОМОМОРФИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ЎЗБЕК ВА ИСПАН ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil. 226 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглизча резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ҳакимова Гулсара Эгамназаровна филология фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Умархўжаев Мухтор Эшонхўжаевич филология фанлари доктори
	Ткачева Анастасия Александровна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27. 06.2017. Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел: (99871) 233–45–21; факс: (99871) 233–52–24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233–45–21.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси) .

А.М.Маннонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Г.Х.Боқиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида антропоцентрик парадигма доирасида лингвокогнитология ва лингвокультурологияга оид илмий изланишлар жадал ривожланмоқда, шу қаторда метафора ва унинг таркибига кирувчи зооморфизмларни қиёсий ҳамда қиёсий-чоғиштирма ўрганиш бўйича долзарб тадқиқотлар яратилмоқда. Жумладан, антропозооморфизмларни турли системали ўзбек ва испан тилларида чоғиштириб ўрганиш тилшунослик фани учун илмий, назарий ва амалий аҳамиятга эга. Антропозооморфизмлар анъанавий ва ўзига хос концептосфера ҳосил қилиб, муайян миллатнинг тили ва маданиятининг уникал ва универсал хусусиятларини очиб беришнинг назарий асосини илмий ўрганишга имкон яратади.

Бугунги кунда муайян этнос тилининг, шу қаторда ўзбек ва испан тилларининг когнитив, лингвокультурологик, социолингвистик ва нейролингвистик хусусиятлари, оламнинг лисоний манзарасини яратишда тилнинг ўрни, антропозоометафора ва турғун ўхшатишларнинг когнитив-семантик хусусиятлари, хусусан, воқеликни концептуаллаштириш ва категориялаштириш, ўзбек тилининг бой фразеологик тизимини бошқа қардош ва қардош бўлмаган тиллар лексикология ва фразеологияси билан чоғиштириб ўрганиш, шунингдек, метафора ва иборалар яратилишида шахс психологияси омили каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви даврида «ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар»¹ этилмоқда. Фан ва технологияларнинг жадал ривожини кўпмаданиятли дунёда ёш авлоднинг бир неча тилларни мукамал билишини тақозо этмоқда, ўзига хос миллий-маданий хусусиятга эга бўлган антропозоометафораларни қиёсий-чоғиштирма аспектда ўрганиш турли халқларга хос ҳар хил этномаданий хусусиятларни очиб беришга, мулоқот енгиллигига, таржима санъатининг ривожига хизмат қилади.

2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ҳамда мазкур фаолиятга

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 59б. (Б. 14).

тегишли бошқа меъерий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий- маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XXI асрда илмий тадқиқотларда инсон омилининг устун қўйилиши, тилшунослик соҳалари, жумладан, лингвокогнитология, лингвокультурология, психоллингвистика ва прагмалингвистикага оид тадқиқотларнинг ривожланиши ҳамда уларнинг назарий асосларини яратишда оламнинг лисоний манзараси ва антропоцентрик парадигма, миллий-маданий белгили тил бирликлари, метафора, концепт категорияси, семантик майдон ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги муҳим илмий-назарий қарашлар ривож топмоқда.

Дунё тилшунослигида зоометафора ва зооморфизмни концептларни илмий-назарий таҳлил қилишда турли қарашлар мавжуд. Ушбу семантик категория миллий-маданий хусусиятларни тавсифлашда етакчи ҳисобланиб, турли тилларда шакл ва мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Бу категорияларга мурожаат антик даврлардан бошланган бўлса-да, даврлар ўтиши билан такомиллашиб, долзарблашиб, қатор тилшуносларнинг тадқиқотларида янги илмий-назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда ва тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, испан тилшуносларидан А.Памиеcнинг тадқиқотида испан тилидаги баъзи зоометафораларнинг структур ва этимологик хусусиятлари, Е.Далмаунинг ишида зоонимларнинг лексикографик жиҳати испан изоҳли луғатлари бўйича ўрганилган, М.Моралес зооморфизмлар маъноларининг муаллиф хоҳишига кўра ўзгарувчанлик хусусиятини Хуан Мануэл асарлари бўйича илмий-назарий далиллаган, Б.С. Мартиннинг фикрича, зооморфизмлар – ҳайвонот дунёси вакиллариининг хусусиятлари инсонга кўчиши орқали ҳосил бўлган метафорик мазмундир². Рус тилшунослигида Ф.Гукетлова уч тилни таққослаб зооморфизмлар миллий маданиятни ёрқин ифодаловчи тил бирликлари эканлигини ёритган, С.Г. Ватлецов зооморфизмларни воқе-ҳодисаларни билдиришига кўра гуруҳларга ажратган; Т.Кионг зооморфизмларни систем-структур жиҳатини ўрганган, В.М.Каменская ва Ц.Ц.Огдонова илк тадқиқотларида зооним ва зооморфизмни бир-бирига синоним сифатида, кейинчалик метафорага нисбатан зоохарактеристика

²Pamies A.B. «Extracción automática de colocaciones e modismos». – Cuadernos de fraseología galega, 2004. – № 6. – pp.191-203; Dalmau L.B. Los artículos lexicográficos de zoónimos en diccionarios españoles de lengua general. IULA – Universitat Pompeu Fabra, 2004. – 539 p.; Morales M. El simbolismo animal en la cultura medieval, Espacio, Tiempo y Forma. – Medieval, 9, 1996. – pp. 229-255.; Sanz Martin B. E. Las Metáforas Zoomorfas desde el Punto de Vista Cognitivo. Íkala, Revista de Lenguaje y Cultura. – Colombia, Vol. 20, Issue 3, 2015. – pp. 361-384.

хамда зооморфизм терминини маъқуллаб, зооморфизмларни метафорик маъно ҳосил қилувчи тил бирликлари сифатида кўрсатган. Р.К.Асабин инглиз тилидаги зоометафораларнинг этноконнотациясини, Н.В. Солнцева 3 тилда зоонимларнинг сўз яашдаги функционал имкониятларини, А.А.Киприянова ФБлар, паремиялар таркибидаги зоолексемаларнинг функционал характеристикасини тадқиқ қилган³. Ўзбек тилшунослигида О.Латиповнинг илмий изланиши рус, ўзбек ва тожик тилларида уй ҳайвонлари номларининг семантик структураси таҳлилига бағишланган; Б.Зарипов Алишер Навоий асарларида қўлланилган зоонимларнинг бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги ўрнини тадқиқ этган; Г.Ҳақимова инглиз тили зооним компонентли фразеологик бирликларининг структур-семантик жиҳатини аниқлаган⁴ ва ҳ.к. Тилшуносликда ҳайвонот оламига оид терминлар турли номлар билан аталиб, уларнинг терминологияси, мазмуни ва қўлланиш кўлами бўйича ягона тўхтама келинган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқотишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзuidaги илмий-тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва испан тилларидаги антропо-зооморфизмларнинг семантик ва миллий-маданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

антропозооморфизмларнинг ўзбек ва испан тилларига хос лингвомаданий ва аксиологик (баҳоловчи) хусусиятини аниқлаш;

антропозооморфизмлар ва турғун зооўхшатишларнинг маданий кодни аниқлашдаги ўрнини асослаш;

зоо- ва антропозоометафораларнинг лингвогеральдик ва гендерологик хусусиятларини далиллаш;

³ Гукетлова Ф.Н. Зооморфный код культуры в языковой картине мира (на материале французского, кабардино-черкесского и русского языков). Автореф. дис... д. филол. н. – М., 2009. – 228 с.; Ватлецов С.Г. Систематика зооморфной лексики и её англо-русская эквивалентность: автореф. дис... к. филол. н. – Волгоград, 2001. – 24 с.; Кыонг Т.К. Системно-структурная организация зооморфизмов русского языка: Автореф. дис... канд. филол. н. – Воронеж, 1996. – 17 с.; Каменская В.М. Аксиологический аспект устойчивых зооморфных сравнений и зооморфных паремий испанского языка: автореф. дис... д. филол. н. – Воронеж, 2008. – 184 с.; Огдонова Ц.Ц. Проблема типологии концептов в современной лингвистике. – Иркутск, 2013. – 32 с. Солнцева Н. Сопоставительный анализ зоонимов русского, французского и немецкого языков в этносемантическом аспекте: Автореф. дис... к. филол. н. – Омск, 2004. – 25 с.; Асабин Р. Способы интерпретации этноконнотаций в межкультурной коммуникации. – Уфа, 2011. – 32 с.; Киприянова А. Функциональные особенности зооморфизмов (на материале русского английского, французского и новогреческого языков): Автореф. дис... канд. филол. н. – Краснодар, 1999. – 23 с.

⁴ Латипов О.Ж. Анализ семантической структуры тематического пространства «домашние животные» в разносистемных языках (На материале русского, узбекского и таджикского языков): Автореф. дис... к. филол. наук. – Т., 1997. – 23 с.; Зарипов Б. Зоонимларнинг бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоий асарлари асосида): Филол. ф. н... автореф. – Т., 2002. – 23 б.; Ҳақимова Г.Э. Зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари: Филол. ф. н... автореф. – Т., 2008. – 23 б.

антропозооморфизмларнинг қадимги туркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳолати, уларнинг семантикасида содир бўлган маъно кенгайиши ва маъно торайишини аниқлаш;

антропозометафора ва турғун зооўхшатишларни таржима қилишда йўл қўйиладиган асосий камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўллари белгилаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва испан тилларидаги антропозооморфизмлар танланган.

Тадқиқот предмети антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятларини, уларнинг ўзбек ва испан тилида ўзига хос жиҳатларини ўрганиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда контекстологик, лингвостатистик, концептуал-семантик, чоғиштирма таҳлил ва усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва испан тилларида антропоцентриклик хусусиятига эга зооморфизмларнинг экспрессив-эмотивлик ва аксиологик хусусиятлари далилланган;

зооморфизмли тотем ва геральдиканинг ўзбек ва испан халқлари миллий-маданий анъанавийлиги ёки ўзига хослигини турлича акс эттириши лингвогеральдика асосида исботланган;

зооморфизмлар гендерни намойиш этишда энг ёрқин миллий-маданий хусусиятга эгаллиги асослаб берилган;

антропозооморфизмларнинг қадимги туркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳолати, уларнинг семантикасида содир бўлган маъно кенгайиши ва маъно торайиши ҳодисалари очиб берилган;

ўзбек ва испан тилларидаги миллийликни ташувчи антропозооморфизмларни калькалаш, изоҳлаш, баён усулида таржима қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертация материалларидан фойдаланилган ҳолда 2012 йил илк марта лотин алифбосида испанча-ўзбекча 40 минг сўз ва иборали луғат чоп этилган (тадқиқотга оид 200 та зооним ва зооморфизмлар луғатдан ўрин олган);

«бўри кўрган», «бўриси улиган», «оққуш бўйин», «guelfo, guelfa» каби зоометафораларни изоҳли луғатларда акс эттириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўзбек ва испан тили зооморфизмлари ва турғун зооўхшатишларни у тилдан бу тилга бевосита ўгириш маҳорати таржима адекватлиги кафолати эканлигини исботлаш мақсадида муаллиф тамонидан Рубен Дарионинг «Бўри» поэмаси таржима қилиниб чоп этилган (Тил ва адабиёт таълими журнали, №7, 2012й) ва йилнинг энг яхши таржима асари номинацияси бўйича 2-ўрин билан тақдирланган;

антропозоометафораларнинг қиёсий-этимологик, чоғиштирма таҳлили ҳар иккала миллат дунёқараши, этнопсихикаси, урф-одатларининг хусусий ва умумийлиги, икки жамиятда қабул қилинган миллий-маданий стереотиплар ва олами идрок этишнинг ўзига хослигини, тил ўрганувчиларда ўзбек ва испан лисоний манзарасига хос лингвомаданий хусусиятлар ҳамда миллатлараро компетенцияни шакллантиришга хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тилшуносликда назарий асосланган илмий хулосалар, ўзбек ва испан тиллари зооморфизмларининг бадий ва даврий нашрлардаги ифодаси, қолаверса, диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияси, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотда баён қилинган илмий-назарий қарашлар ўзбек ва испан тиллари лексикологияси, мамлакатшунослик ва лингвомаданиятшунослигига оид дарсликлар ҳамда луғатлар яратишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари лингвомаданиятшуносликка оид маъруза матнларида ҳамда «Этнолингвистика», «Таржимашунослик» каби махсус курсларга доир маърузалар учун зарур манба бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва испан тиллари антропозооморфизмларининг тадқиқи таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

испан тилини ўрганишни чуқурлаштириш, ўзбек ва испан тилига хос реалияларини тушуниш ва қўллай олиш кўникмасини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган ИТД-1-107 «Хорижий тиллар бўйича ўқитувчи кадрлар ва мутахассис-филологлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ўзбек реалияларини ақс эттирувчи ўқув-услубий мажмуалар ва уларнинг электрон версияларини яратиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳага татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 июлдаги 89-03-1285-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва испан тили мутахассисларига испан тилининг миллий-маданий зоометафоралари ва компаративлари тўғрисидаги маълумотларни етказиб бериш ҳамда таржима жараёнидаги муаммоларни бартараф этиб адекватликка эришишга асос бўлган;

антропозооморфизмларнинг испан ва ўзбек халқи миллий қадриятлари тизимидан муносиб ўрин эгаллагани, шунингдек, испан тилидан ўзбек тилига таржима жараёнида экспрессивлик камайишининг олдини олиш ва таржиманинг асл моҳиятини очиб бериш хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканалда Испания билан боғлиқ туркум кўрсатувлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон

миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 17 ноябрдаги 01-15/5004-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телекўрсатувларнинг халқчиллиги ва қизиқарлилигини оширган, таржима жараёнидаги тавсиялар хорижий кўрсатувлар таржимаси сифатини оширишга хизмат қилган;

мулоқот жараёнида иборалар маъносини таҳлил эта олиш, уларнинг семантик-прагматик маъносини англаш, таржима қилиш ва қўллай олиш стратегиясига хизмат қилувчи испан тилининг энг фаол лексик фонди, жумладан, антропозоометафора ва зооморфизмли компаративлар танланиб, уларнинг ўзбек тилидаги муқобил вариантлари берилган 40 минг сўз ва иборали икки тилли ўқув луғати яратишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2016 йил 28 июндаги 03895-рақамли гувоҳномаси). Жорий этилган натижалар ўзбек ва испан халқи миллий-маданий лексикаси тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиришга манба бўлиб хизмат қилган..

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, шулардан 1 ўқув-лексикографик луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 саҳифа матндан таркиб топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тилшуносликда зоометафора масаласининг назарий-методологик асослари**» деб номланган бўлиб, жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг метафорага билдирган муносабатлари ўрганилган ҳамда улар янги назарий фикрлар билан бойитилган. Ҳозирги кунда метафора ва метафоризация ҳамда турғун ўхшатишлар лингвомаданий, лингвокогнитив, прагмалингвистик ва бошқа нуқтаи назарлардан кўплаб тилшуносларнинг тадқиқот объектига айланмоқда. Оламнинг лисоний манзарасида метафорик моделлаштириш «реал борлиқнинг деярли барча объектлари муайян белгини ифодалашга қодирлиги билан белгиланади»⁵. Замонавий тилшуносликда метафора «бир концептуал доира ичидаги воқелиқнинг бошқа концептуал доирада мавжуд терминларда тушуниш»⁶, деб ҳисобланмоқда.

В.Н.Телиянинг таъкидлашича, биринчидан, метафора нутқдан аввалги шаклда намоён бўлади; иккинчидан, бу турдаги ассоциациялар онтологик мақомга эга; учинчидан, бу метафоралаштириш пайтида қайта англанадиган номнинг маъноси. У биринчи икки комплекс ўртасидаги воситачи вазифасини бажаради⁷. Масалан: ўсимликни кўраяпмиз, унинг гул эканлиги ҳақидаги фикр нутқдан аввал онгда пайдо бўлди. Унга ном беришдан аввал унинг шаклини нимагадир ўхшатамиз, масалан хўрознинг тожиги ўхшатиш асосида метафоралаштириш замирида гулга ном берамиз: *гултожухўроз*. Бундай мисолларни икки тилда ҳам кўплаб учратиш мумкин, *lapa de elefante* (фил товони → декоратив гул номи), *туятовон* (ўсимлик) ва ҳ.к. Зооморфизмларнинг худди шундай у ёки бу хусусиятлари инсонга нисбатан ҳам кўчади. *Қуёнмисан*, деб жасурликка ундаймиз, *арслоним* деб мақтаб кўямиз, *илон*, *тулки*, деб огоҳлантирамыз ва ҳ.к. Инсон ҳайвонлар хулқини кузатиб, уларга хос муайян интуитив ҳаракатнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилган, бунга уни ўзини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш зарурати ундаган ва бунинг натижасида юзага келган зоометафора ва зооибораларсиз оғзаки нутқ, фольклор ва бадиий адабиётни тасаввур этиб бўлмайди. Испан тилшунослигида метафоранинг замонавий концепциясини

⁵Глазунова О.И. Логика метафорических преобразований. – СПб., 2000. – 190 с.

⁶Kövecses, Z. Metaphor: a practical introduction. – Oxford University Press, 2002. – 287 p.

⁷Телия В.Н. Вторичная номинация и ее виды // Языковая номинация: виды наименований. – М.: Наука, 1977. – С. 45-49; Телия В.Н. Метафора в языке и тексте. – М.: Наука, 1988. – 175 с.

Х.Ортега-и-Гассет, Е. Бустос, Р. Домингеслар ривожлантирган. Масалан, Е.Бустос концепциясининг муҳим қоидаси *контрдетерминация* феномени бўлиб, у сўзнинг бошланғич ва метафорик маъноси ўртасидаги кучли эффект туфайли кутилмаганда юзага келади⁸. Айтиш мумкинки, концептуал метафораларнинг вербаллашувида муайян жамиятда қабул қилинган миллий-маданий стереотипларнинг таъсири жуда катта.

Инсонни эмоционал-баҳоловчи сифатида метафорик ном остида *фаунага* хос терминлар тилшуносликда турлича аталади: *зоонимлар, анимализмлар, зооморфизмлар, зоосемизмлар, зоосемик турдаги антропонимлар, зоометафоралар, фаунонимлар* ва ҳ.к. Олимларнинг фикрича⁹, зооним ва зооморфизм ўртасидаги фарқ қуйидагича: *зооним* – ҳайвонларнинг бевосита номлари бўлган лексик бирликлардир. Зоонимлар лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)ни ташкил этиб, семантик компонент умумийлиги билан турли лексик-семантик (ЛС) парадигмага бирлашади: *гипероним – гипоним қуш* → *бургут, мусича, тўти; ave* → *águila, tórtola, loro; эркак – урғочи – ҳайвон боласи: буқа* → *сигир* → *бузоқ; toro* → *vaca* → *ternero* ЛСГ каби.

Зооморфизм деганда, инсон ёки нарса-предметнинг образли тавсифини шакллантириш мақсадида ҳайвонлар тимсолидан кўчма маънода фойдаланиш тушунилади. Мас.: ўзб.: *тулки – тулкидек аййёр, эшиак – эшакдай қайсар, илон – илоннинг ёғини ялаган*; исп.: *gusano - desnudo como un gusano, abeja – laboriosa como una abeja*. Зооморфизмлар, ўзининг лингвистик хусусиятлари туфайли тилда инсон ҳаётининг ёки, бошқача айтганда дунё манзарасининг акс эттирилиши муаммосини тадқиқ қилиш учун бой ва қизиқарли материални тақдим этади. Ф.Н. Гукетлованинг фикрича, «инсонни тавсифловчи зоонимик лексиканинг этномаданий ўзига хослигини аниқлашда энг қулай истилоҳ анъанавий «зооморфизм» термини ҳисобланиб, у лексикани инсоннинг эмоционал-баҳоловчи тавсифи нуқтаи назаридан таҳлил қилишда фаунанинг муайян вакили тимсолида намоён бўлган метафорик ном сифатида тушунилади»¹⁰. Ц.Ц.Огдонованинг фикрича¹¹, инсон тафаккури дунёни антропоморф ёки зооморф тарзда акс эттиришга мойил. Бундай акс эттиришнинг натижалари кўпгина лексик бирликларда намоён бўлиб, улар орасида алоҳида турдаги кўчма маънолар ажралиб туради, муаллиф уларни *зооморфизмлар* деб атади. Ушбу тадқиқотда юқоридаги фикрларга қўшиламыз, айтиш пайтда инсонни тавсифлаб келувчи зооморфизмларни нарса-предметни билдирувчи зооморфизмлардан фарқлаш ва ихчамлаштириш учун *антропо-*

⁸Bustos E.G. Argumentando una innovación conceptual: metáfora y argumentación analógica. – Revista Iberoamericana de Argumentación 7. 2013 – pp. 1-17.

⁹Қаранг: Гукетлова Ф.Н. Зооморфный код культуры в языковой картине мира (на материале французского, кабардино-черкесского и русского языков): Автореф. дис... докт. филол. н. – М., 2009. – 228 с.; Куанг К. Т. Системно-структурная организация зооморфизмов русского языка. Дис... канд. филол. наук. – Воронеж, 1996. – 150 с.

¹⁰Гукетлова Ф.Н. Зооморфный код культуры в языковой картине мира (на материале французского, кабардино-черкесского и русского языков): Автореф. дис... докт. филол. н. – М., 2009. – С. 77-79.

¹¹Огдонова Ц.Ц. Проблема типологии концептов в современной лингвистике. – Иркутск, 2013. – С. 32.

зооморфизмлар деб аташни таклиф қиламиз, яъни антропозооморфизмлар «инсонга образли тавсиф бериш ва баҳолаш» мезони бўйича ЛСГга бирлашади.

Мазкур тадқиқот диққат марказида ўзбек ва испан тилларида асосан инсонга тавсиф бериш учун ишлатиладиган антропозооморфизмлар бўлди. Бундай тавсифлаш ва таърифлашларда биз қуйидаги формулага суяндик:

антропозооморфизм → ўхшатиш = ҳосила маъно

маймун → *маймундай (бадбашара)* = *хунук одам*

топо/а → *como la topo* = *tujer linda*.

Зооморфизмларнинг предмет ва абстракт тушунчага нисбатан кўчма маънода ишлатилиши бадиий матнлар ва халқ сўзлашув нутқида кўп учрайди: *Ирмоқ суви тоғу тошга ёйилади, Сарв оғочлар от сафидек бўй олади* (Кошғарий, Т.1: 400). Бу мисолда сарв дарахтларининг қатор ўсиши отлар сафига ўхшатиш: ДАРАХТЛАР → ОТЛАР. *Сенда барча ёмонлар, Чибин, пашиша, илонлар. Думи гажак чаёнлар, Ҳамла қилиб югурар* (Кошғарий, Т.3: 378). Бунда зооморфизмлар инсон феълига хос абстракт салбий хусусиятларни тавсифлаган: ЁМОНЛИКЛАР → ЧИВИН, ПАШША, ИЛОН, ЧАЁН.

Испан тилидаги *perro(-a)* зооморфизми инсонга хос ҳолатни ифодалашдан ташқари нарса-предметни ҳам билдиради. Масалан, «*perra chica*» беш сентаволи, «*perra gorda*» ўн сентаволи чақани англатади: «*Acercábanse los escolares a cambiar novelas de perra gorda con aventuras «Oeste» por tebeos¹²*». (Мактаб ўқувчилари ўзларининг арзимас чақаларини «Ғарб» суратли детективларга алмашиш учун келдилар). «*(No tener) ni una perra*» антропозооморфизмли ибора «*бир чақасиз*»; «*камбағал*» каби маъноларда ишлатилади.

Ўзбек ва испан маданиятида ҳайвон хусусиятларининг тафаккурда тарихий шаклланишига кўра турли хил коннотацияланиши ушбу тилларда ўзига хос бўлган зоометафораларни ҳосил қилади, деган хулоса тадқиқотда исботланди. Маданиятнинг кодини очишда зоометафорага одамнинг турмуш тарзини атрофдаги табиатга ўхшатиб тилда воқелантириш воситаси, деб қаралади: *нигоҳ* – *бургут* (бургут қараш қилмоқ), *юрак* – *отнинг калласи* (юраги отнинг калласидек экан); *ojos* – *águila* (*sus ojos agudos como los de águila*), *corazón* – *liebre* (*Hombres veo que de hombres... En el corazón son liebres* (M.Hernández, *Los cobardes*) ва ҳ.к. Бу метафораларда инсоннинг олам, табиат, жамият ва ўзга одамларни, ҳаёт, умрни қадрлаш ва баҳолаш туйғуси сезилади. Қисқача айтганда, *антропозооморфизмлар* – инсонни тавсифлаш учун ишлатиладиган ҳайвон номларининг ўзига хос тарзда коннотацияланишидир.

Диссертациянинг иккинчи «**Ўзбек ва испан тилларида антропозооморфизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари**» бобида антропо-

¹²Diccionario fraseológica español-ruso, Moscú, 1985, p. 519.

зоометафораларнинг таржимада акс этиш масалалари ва маданий код сифатидаги ахамияти, уларнинг тотем ва геральдикада ҳамда гендер нуқтаи назаридан миллий-маданий хусусиятлари очиб берилган.

Метафора ва иборалар таржимасида адекватликка эришиш усул ва йўллари тўғрисида фикр-мулоҳазалар Ғ.Саломов, М.Холбеков, Қ.Мусаев, Р.Файзуллаева, Н.Владимирова, Ҳ.Кароматов, А.Хўжаев, Р.Ширинова каби қатор олимлар илмий тадқиқот ишларида кузатилади. М. Умархўжаевнинг фикрича, «...тилмочлик ва ёзма таржима амалиёти ўзининг кўхна тарихига эга бўлиши билан бирга таржимашунослик фани тилшуносликнинг ёш соҳаларидан бири ҳисобланади, илмий тадқиқотлар бу соҳада ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан сўнг юзага кела бошлади»¹³. Шу сабабли, таржимашуносликда ҳал қилинмаган муаммолар очиқлигича қолмоқда, жумладан, ҳар бир миллатнинг миллий-маданий хусусиятларини намоён қиладиган зооморфизмлар таржимаси мутаржимдан моҳирликни, мазмуний ахборотдан хабардорликни тақозо этади. Ўзбек тилига испан бадий асарларидан бир қанча таржималар қилинган. Шулардан бири Г.Г.Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» романидир (таржимон Н. Қобул ва б.). Асарда антропозооморфизмни ўринларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан: (*Ursula*): – *Miralos cómo están, abandonados a la buena de Diós, igual que los burros* [G.G.Marquez, 2008: 16]. Таржимаси: (*Урсула*): – *Уларнинг аҳволига боқ, боқувсиз қолган кучукваччаларнинг ўзи-ку. Аслиятда эшак антропозооморфизми кўлланилган бўлса, таржимада у кучуквачча тарзида ўгирилган ҳамда жумланинг abandonados a la buena de Diós қисми ўгирилмай қолган. Аслиятда аёл (Урсула) эрининг хаёлпарастликдан реал дунёга қайтишини, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишини истаётган бўлса, таржимада болаларнинг фақат қорин ғамида катта бўлаётгани ҳақидаги тасаввур келиб чиқади. Г.Г.Маркес бу асарида гуманизм ва тарбия масаласини кўтариб чиққан, инсонларни тубанликдан, ҳайвон каби ҳаёт кечиришдан огоҳликка чақирган. Таржимада ёзувчининг мақсадларини кўзда тутган ҳолда ёндашиш муҳим ҳисобланади. Биз қуйидаги таржима вариантини беришни тавсия қиламиз: *Қарасанг-чи, уларнинг аҳволига, тақдир измига ташлаб қўйганингдан, эшишак сиёқ бўлиб ўсишяпти.**

Испан тилидан ўзбек тилига изоҳлаш орқали ўгирилган зоометафораларда ассоциатив образлар бирмунча хиралашиб, экспрессивлик пасаяди. Бу усулдан фойдаланишда ўзбек тилида кўпинча ёйиқ сўз бирикмаларидан ёки жумлалардан фойдаланишга тўғри келди. Масалан, «*más inocente que un perro de aguas*»ни (сув кучугидек бегуноҳ бўлмоқ) боладек бегуноҳ бўлмоқ тарзида ўзбек тилига ўгириш мумкин. Кучук ёки итни ўзбек маданиятида бегуноҳ дейиш қабул қилинмаган ва сув ити тушунчасининг мавжуд эмаслиги тушунмовчиликни келтириб чиқаради.

¹³ Умархўжаев М. Чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик муаммолари. – Андижон, АДПУ, 2014. – 129 б.

Таржимада калькалаш, изохлаш ва баён қилиш усулларида ўз ўрнида фойдаланилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўзбек ва испан лисоний манзараларида метафорик моделлаштиришда бир ҳайвон номи фикр алмашишда ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни билдириши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *айиқ* антропозооморфизми *ташқи қиёфага хос* ва *физиологик хусусиятлар* доирасида инсоннинг салбий ва ижобий сифатларини тавсифлайди:

айиқ → ижобий: Бақувват, кучли. Эркак киши ҳақида; *У, таъбир жоиз бўлса, айиқдай бақувват, хушчақчак инсон экан* (О. Ёкубов. *Хотиралар*).

айиқ → салбий: Бефаҳм, бесўнақай одам; *У котибни айиқдай бефаҳм одам бўлса керак деб ўйлаганди* (Н.Эшонқул. *Бевақт чалинган бонг*).

Испан миллий маданиятида *моно/а* (*маймун*) антропозооморфизми *ташқи қиёфа* ва *ижтимоий хусусиятларга хос* салбий ва ижобий сифатларини тавсифлаб келиши кузатилди:

моно/а → ижобий. Келишган, чиройли, жозибадор аёл/бола; *Tu hija linda como una mona* (DUE).

моно/а → салбий. Хунук, ароқхўр, майпараст киши. *Ya en el siglo XVI, se empleaba la palabra «mona» para referirse a la borrachera o a la persona ebria* (Guerrier. *Con dos huevos*).

Шунингдек, тадқиқотда ўзбек ва испан тилларида метафорик моделлаштиришда *илон, бўри, сугир, хўкиз, zorro, pez, mono, paloma, lobo* ва ҳ.к. антропозооморфизмлар ҳам салбий, ҳам ижобий хусусиятларни акс эттирувчи ўзбек ва испан маданиятларида эталон сифатида қабул қилинган энг ёрқин экспрессив тил бирликлари эканлиги аниқланди.

Туркий ва испан тотемика ҳамда геральдика соҳасини чоғиштира аспектда тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки, рамзий белги ва мазмунлар тотем ва геральдикага айлангунга қадар, энг аввало, символ ва сўзда яралган. Бунда тотем сифатида қабул қилинаётган зооморфизмнинг муайян этнос тафаккурида символ ва сўз сифатидаги шакли мавжуд бўлган ҳамда этнос унинг у ёки бу жиҳатини қабул қилиб, илоҳ ва рамз даражасига олиб чиққан. Ҳайвонларнинг сифатлари кишиларга кўчирилган ва улар ўзлари яшаётган жамиятда маълум мавқега эга инсонлар ҳисобланган. Тотем-ҳайвонлар муқаддас саналган. Бу одат дунёдаги ҳамма халқлар эътиқодида борлигини кўриш мумкин. Масалан, ҳиндларда *сугир, маймун, фил*, Австралияда *кенгуру*, Мексикада *ягуар* алоҳида ҳурматга эга ҳайвонлардир¹⁴ ва ўтмишда бу ҳайвонлар номига сазовор бўлиш инсон учун фахр ҳисобланган. Аждодларимиз томонидан *бўри, туя, от, қалдирғоч, бургут* каби ҳайвон ва қушларга ҳурмат билан қаралган. Масалан: *мусича* зоометафораси ёки *мусичадек беозор* КФБнинг ўзбек миллий маданиятига хос концепт сифатида шаклланишида унинг *беозорлик* хусусияти аждодларимиз кузатуви асосида келиб чиққан. «Ана шу

¹⁴<http://www.google.com/url?>

тариқа *мусичадай беозор* КФБ беозорликнинг ўзбекча ўлчови сифатида миллий образ мақомини олган»¹⁵.

Испан лисоний манзарасида *tórtola* → *мусича* ҳеч қандай рамз ёки белгига эга эмас. Луғатларда қуш туркумига мансублиги келтирилган, холос. Аммо *paloma* → *кабутар* тотем сифатида қабул қилинган бўлиб, тинчлик, осойишталик, оналик тимсоли ҳисобланган. Кабутар рамзи *Corona Real Español* – испан қироллик тожида ҳам ўз аксини топган¹⁶.

Тотемика ва *геральдикада* Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқида тасвирланган *шер* ёки Испания рамзларидаги *арслон* – бу зооморфизмнинг азалдан икки халқ тил манзарасида бир хил, яъни довюраклик, мардлик, куч-қудрат ҳамда олижанобликни билдириб келганлигини кўрсатди. Ўзбек тилидаги *арслонкелбат*, *шерюрак*, *шерандом* каби метафорик бирикмалар, *Йигит сўзидан*, *арслон изидан қайтмас*, *Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил* каби мақоллар; испан тилидаги *león viejo*, *león marino*, *como un león*, *desquijarar leones*, *Más vale ser león por un día que oveja toda la vida* каби метафора ва иборалар тотемик, мифологик қарашлар ҳосиласи бўлиб, улар тилларнинг мифологик, лисоний ва концептуал манзарасини бойитади, жозибаторлигини оширади.

Бўри антропозооморфизми ҳам тотемик қарашларда етакчи бўлиб, метафорик мазмунида *бўйсунмас*, *енгилмас*, *жасур*, *мард*, *содиқ* инсонни таърифлаб келган. Бундай мифологик қарашлар сояси иши юришган одамга нисбатан қўлланувчи «*бўри кўрган*», «*бўриси улиган*» ибораларида сезилади. Алпомишнинг отаси Бойбўри каби Бўри исмининг кўп учраши *бўрининг* туркийларда қадимдан тотем бўлганлигини кўрсатади. Туркийларда *бошқурд* (*бош бўри*), *курд* (*бўри*)¹⁷ каби миллат-элатларнинг номланиши ҳам шундан далолат беради. Зикр этилган фикрларни метафорик моделда қуйидагича ифодалаш мумкин: ТУРКИЙЛАР → БЎРИЛАР = ТУРКИЙЛАР → БЎЙСУНМАС, ЕНГИЛМАС, ЖАСУР, МАРД, БОТИР, СОДИҚ КИШИЛАР.

Испан тили лисоний манзарасида *бўри* билан боғлиқ «*viejo lobo de mar*» антропозоометафораси *қари денгиз бўриси* маъносини беради. Аслида метафора мазмунида *тажрибали денгизчи* назарда тутилса-да [DRAE, 1992: Т II, 1267], бугунги кунда унинг маъновий қамрови кенгайиб, ҳар қандай касбнинг устасига нисбатан қўлланилмоқда. Масалан, тажрибали футбол ўйинчисига нисбатан бу антропозоометафора ишлатилган: *Arenas, viejo lobo de mar, sacó el as bajo la manga y metió a Donovan por Raúl Mendiola, el máximo anotador galáctico tardó un minuto para el marcador 2-2*¹⁸. Тадқиқот давомида *антропозооморф код* – маданий коднинг энг катта қатламини ташкил этиб, у кўриб чиқиладиган тилларда универсал ва миллий-специфик

¹⁵Махмудов Н., Худойберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изохлаш луғати. – Т.: «Маънавият», 2013. – 320 б.

¹⁶https://es.wikipedia.org/wiki/Estandarte_del_Oriol

¹⁷Баскаков Н.А.О происхождении этнонима башкир. Этническая ономастика. – М.: Изд-во «Наука», 1984. – 684с.; <http://www.randevu-zip.narod.ru/caucase/kurd.htm>;

³⁰ <http://www.record.com.mx/futbol-futbol-internacional/landon-donovan-marca-su-primer-gol-tras>

жиҳатларга эгаллиги аниқланди. Зооморфизмларнинг миллий-специфик жиҳатлари зооморф коднинг асосини ташкил қилади. Бундай кодларни «очиш» муайян миллат/шахснинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш имконини беради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек ва испан тилларида антропозооморфизмларнинг концептуал-семантик хусусиятлари**» деб номланиб, унда концептга берилган таъриф ва унинг типологияси, уни ўрганишдаги турли ёндашувлар тўғрисида гап боради. Фикримизча, «*концепт*» муайян маданиятга тегишли жамоа ёки индивиднинг хотирасида сақланган тарихий билим ва тажрибаларнинг янги билим ва тажрибалар билан бирикуви натижасида инсоният онгу шуурида ҳосил бўлган категорияларнинг яхлитланиши туфайли пайдо бўлади. Демак, ҳақиқатдан концепт нафақат когнитив, балки маданий ҳодиса ҳамдир. Концептнинг ментал мазмунида «миллий-маданий тафаккур, онг-шуур бирлиги» тушунчаси сингиб кетган. Бобда от, эшак, бўри, маймун, қуш, балиқ ва ҳ.к. уй ва ёввойи ҳайвонлар номларининг концептуал-семантик майдони концептосферада ўрганилди.

Caballo (ot) антропозооморфизми Чилида «*яхши*», «*зўр*», «*кучли*», «*бақувват*» сўзларининг синоними ҳисобланади. Чили испан тилида «*la pascé caballo*», «*tengo una hambre caballo*» гап-метафоралари кундалик турмушга сингиб кетган жумлалар ҳисобланади¹⁹. Биринчи метафорада хурсандлик, иккинчисида кимнингдир жуда очлиги *caballo (ot)* зооморфизми орқали ифодаланган. Бу метафорик кўчимлар отнинг кучли, одамдан бир неча ўн баробар бақувватлигидан келиб чиққан (техник мотор кучи 775 Ватт от кучига тенг). Қуйидаги икки тил учун муқобил зооўхшатишлар «от» антропозооморфизмига хос хусусиятлар этнослар томонидан кенг ўзлаштирилганини кўрсатади: *асов отдай= como caballo desbocado* → *тартиб-қоидага бўй бермайдиган, ўжар, чапдаст инсонларни тавсифлайди*.


Ўзбек тилида жуда оч қолиш *ит*, *бўри* зооморфизмлари билан берилади: *Вой, аканг айлангурлар-ей, итдек очқанга ўхшайсизлар-ку,– деб ачинганнамо бош тебратди Мутал-майнавоз*²⁰. *Эгамберди кечгача оч бўридай қирма-қир изгиб юраверди, изгиб юраверди*²¹.

Ҳайвонлар номларининг концептуал майдони – концептосферасининг батафсил тадқиқи муайян тилга хос миллий-маданий хусусиятларни ўзга тил соҳиби томонидан тушунарли қабул бўлишида катта аҳамиятга эга. Мас.: испан тилида *топо* – маймун турли маъноларни ифодалайди:


¹⁹Zuluaga A. O. Loschilenismos. – Santiagode Chile, 2011 – p. 48.

²⁰Обиджон А. Мешполвоннинг жанглари. – Т.: Чўлпон, 1994. – 102 б.

²¹Карим А. Ўлжа. «Ёшлик» журнали. – Т., 2006. – № 3(207) – Б. 27-28.



Ўзбек ва испан тили изоҳли луғатларини ўрганиш жараёнида *маймун/моно* зоолексемасининг қўлланилишида талайгина тавофутлар мавжудлиги аниқланди. ЎТИЛда *маймун* антропозооморфизми кўчма маънода *бадбашара*, *серпардоз* одамларга нисбатан ишлатилиши ҳамда жуда аянчли аҳволга тушганда «*ҳолига маймунлар йиғлайди*» ибораси қўлланилиши келтирилган²². Шунингдек, сўзлашув тилида *маймун*нинг *эпчил*, *чаққон*, *тақлидчи* сифатлари одамга нисбатан қўлланилади: *У маймундек чаққонлик билан шкаф устига сакраб чиқди* (А.Несин. *Бола нега йиғлайди*). Қуйидаги чизмада маймун зооморфизмининг маънолари ва иборалар келтирилди, ҳамда икки тилни солиштириш жараёнида испан лисоний манзарасида бу зооморфизмнинг кўчма маъноларга бойроқ эканлиги аниқланди:



